

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН
ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА
ҲАВО ҚАТНОВИ ТЎҒРИСИДА
Б И Т И М**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати (бундан кейин матнда "Аҳдлашувчи Томонлар" деб аталади),

Ўз халқлари ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилишига кўмаклашиш ҳамда ҳар иккала мамлакат ўртасида фуқаро авиацияси соҳасида ўзаро алоқаларни ривожлантириш истагида,

1944 йил 7 декабрда Чикагода имзолаш учун очилган халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияни тан олган ҳолда,

Қуйидаги асосларда тегишли мамлакатларнинг ҳудудлари ўртасида ва уларнинг сарҳадларида ҳаво қатновини йўлга қўйиш ва алоқа қилиш тўғрисида аҳдлашадилар:

1 - модда

Атамалар

Агар матнда бошқа мазмун кўзда тутилмаган бўлса, ушбу Битимнинг мақсадларига мувофиқ қуйидаги атамалар:

1) "авиация маъмурлари" атамаси – Ўзбекистон Республикасига нисбатан – Фуқаро авиациясининг Бош директорини ёки ҳозирги вақтда шу шахс бажараётган ишларни амалга оширишга вакил қилинган ҳар қандай шахс ёки органи, Хитой Халқ Республикасига нисбатан – Хитой Фуқаро авиациясининг маъмуриятини ҳамда ҳозирги вақтда мазкур маъмурият томонидан бажарилаётган вазифаларни амалга оширишга вакил қилинган ҳар қандай шахс ёки органи билдиради;

2) "авиакорхона" атамаси – халқаро ҳаво йўлларини таклиф этувчи ёки улардан фойдаланувчи ҳар қандай авиатранспорт корхонасини билдиради;

3) "тайинланган авиакорхона" атамаси – ушбу Битимнинг 3-моддасига мувофиқ тайинланган ва вакил қилинган авиация корхонасини билдиради;

4) "ҳаво йўли" атамаси – йўловчилар, юклар ва почтани ижтимоий ташиш мақсадида ҳаво кемалари томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай мунтазам ҳаво йўлини билдиради;

5) "ҳалқаро ҳаво йўли" атамаси – бир неча давлатнинг ҳаво бўшлиғи устидан ўтадиган ҳаво йўлини билдиради;

6) "тижоратга тааллуқли бўлмаган мақсадларда тўхташ" атамаси – йўловчилар, юк ёки почта олиш ёки туширишдан бошқа исталган мақсаддаги тўхташни билдиради;

7) "сиғим" атамаси:

а) ҳаво кемасига нисбатан муайян маршрутда ёки маршрутнинг бир қисмида ишлатиладиган муайян тайёрага сиғадиган тижорат юкини;

б) ҳаво қатновига нисбатан – ишлатилаётган тайёра ҳажмининг шу давр мобайнида маршрутда ёки маршрутнинг бир қисмида бажарган рейсларига кўпайтирилганда чиққан миқдорни билдиради;

8) "тариф" атамаси – йўловчилар, қўл юки ва юк ташиш нархини, шу жумладан агентлик ва бошқа ёрдамчи хизматларнинг нархлари ва шартларини билдиради, лекин почта ташиш учун бериладиган ҳақ ва шартлар бундан мустасно;

9) "маршрутлар тавсифи" атамаси – ушбу Битимга илова қилинган ёхуд ушбу Битим 17-моддаси қоидаларига мувофиқ белгиланган маршрутлар тавсифини билдиради. Маршрутлар тавсифи ушбу Битимнинг ажралмас қисмидир.

2 - модда

Ҳуқуқларнинг берилиши

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон иккинчи Аҳдлашувчи Томонга ўзининг тайинланган авиакорхонаси маршрутлар тавсифида кўрсатилган маршрутлар бўйича мунтазам халқаро ҳаво линиялари (бундан буён матнда "шартлашилган йўллар" ва "белгиланган йўналишлар" деб юритилади) бўйича қатновни йўлга қўйиши ва амалга ошириши мақсадида ушбу Битимда кўзда

тутилган ҳуқуқларни беради.

2. Ушбу Битимнинг қоидаларига мувофиқ ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси белгиланган йўналишлар бўйича шартлашилган йўллардан фойдаланаётганида:

а) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари томонидан белгиланган маршрут(лар) бўйича шу Аҳдлашувчи Томон ҳудудидан қўнмай ўтиш;

б) иккала Аҳдлашувчи Томоннинг авиация идоралари ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ белгиланган пункт(лар)да тижоратга тааллуқли бўлмаган мақсадларда бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида қўниш; ва

с) биринчи Аҳдлашувчи Томондан юборилаётган ёки унинг ҳудудигача бораётган йўловчилар, қўл юки, юк ва почтани олиш ёки тушириш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида белгиланган маршрут пункт(лар)ида ортиш ёки тушириш ҳуқуқларидан фойдаланади.

3. Бир Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонанинг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида жойлашган пункт(лар)да учинчи мамлакатгача ёки учинчи мамлакатдан тижорат юкларини юклаш ёки тушириш ҳуқуқи ҳар икки Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари ўртасида келишилиши лозим.

4. Ушбу моддадаги ҳеч нарса бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига ҳаво кемаси ичига иккинчи Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидаги бир манзилдан худди шу ҳудуддаги иккинчи манзилгача юк олиш ҳуқуқини беради деб қаралмаслиги лозим.

3 - модда

Авиакорхонани тайинлаш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон белгиланган йўналишлар бўйича шартлашилган йўллардан фойдаланиш мақсадларида учта авиакорхонани тайинлаш, шунингдек уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда иккинчи Аҳдлашувчи Томонни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонага устун тарзда эгалик қилиш ва уни самарали исрофот қилиш мазкур Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг фуқароларига тегишли бўлиши керак.

3. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация идоралари иккинчи Аҳдлашувчи

Томон тайинлаган авиакорхонадан шу корхона халқаро ҳаво йўлларида фойдаланиш чоғида одатан ва оқилона қўлланиладиган қонунлар ва қоидаларда кўрсатилган шартларни бажаришга қодир эканлигини исботловчи далилларни талаб қилишга ҳақлидир.

4. Иккинчи Аҳдлашувчи Томон тайинлаш тўғрисидаги хабарни олганидан кейин мазкур модданинг 2 ва 3 - бандлари қоидаларига мувофиқ тайинланган авиакорхонага учишга дарҳол тегишли рухсатнома беради.

5. Шу тариқа тайинланган ва тегишли рухсатнома олган авиакорхона ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ Аҳдлашувчи Томонлар келишиб олган кундан бошлаб шартлашилган йўللардан фойдаланиши мумкин.

4 - модда

Рухсатномаларни бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки шартлар киритиш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон иккинчи Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига берилган учишга рухсатномаларни бекор қилиш ёки уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёхуд мазкур тайинланган авиакорхона ушбу Битимнинг 2 - моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланишида у зарур деб ҳисоблайдиган шарт-шароитларни бажаришни:

а) агар у бу авиакорхонага эгалик қилишда устунлик ёки уни самарали назорат қилиш иккинчи Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг фуқароларига тегишли эканлигига ишончи бўлмаган ҳолларда, ёки

б) агар бу авиакорхона биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг қонунлари ва қоидаларига риоя қилмаган ҳолларда, ёки

с) агар бу авиакорхона мазкур Битимда кўрсатилган шарт-шароитларга риоя қилмаган ҳолларда талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Учишга берилган рухсатномани мазкур модданинг 1 - бандида кўрсатилган тарзда бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки шартлар киритиш, башарти бундан кейин қонунлар ва қоидалар бузилишининг олдини олиш учун дарҳол чора кўриш зарур бўлмаса, Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги маслаҳатлашувлардан кейин амалга оширилади.

5 - модда

Қонунлар ва қоидаларни қўлланиш

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг унинг ҳудудидан халқаро учишларни бажарувчи ҳаво кемаларининг учиб келиши, тўхтаб туриши ва учиб кетишини тартибга солувчи қонун ва қоидалари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ҳаво кемаларига нисбатан ҳам улар биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудига учиб келиши, тўхтаб туриши ва учиб кетиши даврида қўлланилади.

2. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг унинг ҳудудидан йўловчилар, экипажлар, юклар ва почтанинг келишини, бўлишини ва жўнатилишини тартибга солувчи қонунлари ва қоидалари, жумладан келди-кетди, паспорт, божхона ва карантин билан боғлиқ тартиб-қоидалар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ҳаво кемаларининг йўловчиларига, экипажларига, юк ва почтасига ҳам уларнинг биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудига учиб келиши, тўхтаб туриши ва учиб кетиши даврида қўлланилади.

3. Бевосита транзит йўсинида бораётган, аэропорт теграсидан чиқмайдиган йўловчилар, қўл юки ва юк юзаки, енгилроқ тарзда назоратдан ўтказилади.

6 - модда

Сигимлар

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналарига белгиланган йўналишлар бўйича шартлашилган йўллардан фойдаланишда адолатли ва тенг имкониятлар яратиб берилади.

2. Шартлашилган йўллардан фойдаланишда Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бирининг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси манфаатларини эътиборга олиб, ҳудди шу йўналиш ёки унинг бир қисми бўйича авиайўлдан фойдаланаётган кейинги авиакорхонанинг юк ташишига зиён етказмасликини ҳисобга олиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари хизмат кўрсатадиган шартлашилган йўллار белгиланган йўналиш бўйича юк ташишда жамъатчилик эҳтиёжларига монанд бўлиши керак ва ҳар бир авиакорхона йўловчиларни, юкларни ва почталарни ташишга бўлган мавжуд ва расмий билан чамаланган талаб-эҳтиёжларга жавоб берадиган сигимларга эга бўлиши уларнинг биринчи навбатдаги вазифасидир.

4. Белгиланган йўналишларда учинчи мамлакатлар манзилларида ҳам

ортиладиган, ҳам тушириладиган йўловчилар, юк ва почталарни ташиш шартлари умумий қоидаларга мос бўлиб, шунга кўра унинг ҳажми:

а) авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томон ҳудудигача ёки унинг ҳудудидан ташишга бўлган эҳтиёжга;

б) маҳаллий ва минтақавий авиайўлларни ҳисобга олган ҳолда шартлашилган йўл ўтадиган районнинг ташишга бўлган эҳтиёжига; ва

с) транзит йўсинидаги ташишларга бўлган эҳтиёжга боғлиқ бўлади.

7 - модда

Тижорат фаолияти

1. Ҳаво кемаларининг сифими, қатнови, турлари ҳамда қатнов жадвали ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон авиация идоралари томонидан келишиб олиниши керак.

2. Савдо бўйича агентлар ҳамда ердаги хизматларни бажарувчи агентларни тайинлаш масалалари Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари ўртасида ўзаро келишиб олинган ва ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон авиация маъмурлари томонидан маъқулланган бўлиши керак.

3. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ташишга бўлган эҳтиёжларга мувофиқ белгиланган йўналиш бўйича қўшимча рейс бажарилишини сўраши мумкин. Бундай учиш учун буюртманома бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмурларига учишдан камида уч кун олдин берилиши керак ва бу маъмурлар розилиги олинганидан кейингина рейс бажарилиши мумкин.

8 - модда

Тарифлар

1. Икки Аҳдлашувчи Томон ҳудуди ўртасида ташишда қўлланиладиган тарифлар тегишли барча омилларни, шу жумладан фойдаланиш харажатларини, оқилона даромадни, хизматларнинг хусусияти (масалан, тезлиги ва қулайлиги)ни ҳисобга олиб, оқилона даражада белгиланиши керак.

2. Мазкур модданинг 1 - бандида кўрсатилган тарифлар ҳар иккала Аҳдлашувчи Томонлар тайинлаган авиакорхоналар ўртасида ва зарурият ҳамда имкониятга қараб йўналишнинг ҳммаси ёки унинг бир қисмидан фойдаланадиган бошқа авиакорхоналар билан келишиб олиниши керак.

Шундай тартибда келишиб олинган тарифлар Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация идоралари томонидан тасдиқланиши учун уларни ишга туширишдан камида олтмиш кун аввал тақдим этиш керак ва улар ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон авиация маъмурлари тасдиқлаганидан кейингина кучга киради.

3. Агар тайинланган авиакорхоналар бирон тариф бўйича келиша олмасалар, Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация идоралари тарифлар бўйича маслаҳатлашув ёрдамида ўзаро келишувга эришишга ҳаракат қилиб кўришлари керак.

4. Агар авиация идоралари ушбу модданинг 2-бандида белгиланганига мувофиқ уларга тақдим этилган тарифлар хусусида келиша олмаган ёки ушбу модданинг 3 - бандида белгиланган тартибга мувофиқ тарифларни белгилашга муваффақ бўлмаган бўлсалар, у ҳолда масала ушбу Битим 18-моддасининг қоидаларига мувофиқ ҳал этиш учун Аҳдлашувчи Томонларга тақдим этилади.

5. Ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ белгиланган тариф янги тарифлар белгилангунга қадар ўз кучида қолади.

9 - модда

Техник хизматлар кўрсатиш ва йиғимлар

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси шартлашилган йўллардан фойдаланишида ўз ҳудудида доимий тайёрагоҳ(лар)ни ва захира тайёрагоҳ(лар)ни белгилаб қўйиши, шунингдек бу авиакорхонани шартлашилган йўллардан фойдаланишда зарур бўладиган коммуникация, навигация, метеорология ва бошқа хизматлар билан таъминлаши керак.

2. Бир Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхона тайёрагоҳдан (шу жумладан ундаги техника ускуналари ва бошқа воситалар ҳамда хизматлардан), коммуникация, навигация ва бошқа хизматлардан фойдаланганлик учун олинадиган йиғимлар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тегишли маъмурлари белгиладиган ставкаларга мувофиқ, адолатли ва ўринли бўлиши керак. Бундай ставкалар бошқа давлатларнинг ҳудди шундай халқаро йўналишларда учадиган, ҳудди шундай ускуна, воситалар ва хизматлардан фойдаланадиган ҳаво кемаларидан олинадиган тўловлардан ошиб кетмаслиги керак.

10 - модда

Божхона йиғимлари

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонасининг халқаро йўналишларда учадиган ҳаво кемалари, шунингдек уларнинг тасдиқланган миқдордаги ускуналари, эҳтиёт қисмлари (шу жумладан двигателлар), ёқилғи, мой захиралари (шу жумладан гидравлик суюқликлар), мойлаш материаллари ва кема ичидаги худди шунга ўхшаш ҳаво кемаларига ортиладиган бошқа захиралар учун, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари иккинчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудига келганда, башарти қайта олиб кетилгунга қадар бу захиралар ва материаллар ҳаво кемасининг ичида турса, ўзаро келишув асосида барча турдаги бож пули, солиқ, инспекциявий йиғим ҳамда бошқа солиқ ва пошлина тўлашдан озод қилинади.

2. Кўрсатилган хизматлар учун олинадиган йиғимлардан ташқари қуйидаги ускуналар ва материаллар:

а) Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудига бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авакорхонасининг ўзи ёки унинг номидан олиб кирилган ёхуд биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ҳаво кемаси ичига ортилган ҳамда халқаро ҳаво қатновида фойдаланиладиган ҳаво кемаларида ишлатишга ёки улар истеъмолигагина мўлжалланган тасдиқланган миқдордаги ускуналар, эҳтиёт қисмлар (шу жумладан двигателлар), ёқилғи, мой захиралари (шу жумладан гидравлик суюқликлар), мойлаш материаллари ва кема ичидаги бошқа захиралар учун, башарти бу захиралар биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудуди узра ўтадиган йўналишнинг бир қисмида фойдаланиладиган бўлган тақдирда ҳам;

б) бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ёки унинг номидан халқаро ҳаво қатновида фойдаланилаётган ҳаво кемасига техникавий хизмат кўрсатиш ёки таъмирлаш учун бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига олиб кирилган эҳтиёт қисмлар, шу жумладан двигателлар учун ҳам бож пули, солиқ ва йиғимлар тўлашдан озод қилинади.

3. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудига бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонасининг ўзи ёки унинг номидан олиб кирилган тайёра чипталари бланкалари, юкхатлар ва реклама материаллари учун ўзаро келишув асосида барча турдаги бож пули, солиқлар, инспекциявий йиғимлар ҳамда шунга ўхшаш солиқ ва йиғимлар тўлашдан озод қилинади.

4. Ушбу модданинг 1 ва 2 – бандларида зикр этилган ускуналар ва материалларни бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига шу Аҳдлашувчи Томоннинг божхона маъмурлари рухсати билан тушириш мумкин. Қайта

олиб чиқиб кетилгунга ёки божхона қондаларига мувофиқ бошқа жойга олиб бориш тайинлангунга қадар мазкур ускуналар ва материаллар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг божхона маъмурлари кузатуви ёхуд назорати остида сақланиши лозим.

5. Ушбу модданинг 1 ва 2 – бандларида назарда тутилган солиқ олишдан озод қилиш шунингдек, башарти Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги шу ҳудудга қарзга ёки шунчаки бериш мақсадида ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида зикр этилган материаллар учун солиқ тўлашдан озод қилинган бошқа авиакорхона билан тузилган битим кучга кирган ҳолларда ҳам амал қилади.

6. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудига бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ваколатхонасининг қуйидаги воситаларини, башарти улар шу авиакорхоналар фойдаланиши учунгина мўлжалланган ҳам жўяли чегарадан ошиб кетмайдиган миқдорда бўлса, четдан олиб киришда бож пули ҳамда бошқа солиқ ва йиғимлар тўлашдан ўзаро келишув асосида озод қилинади:

- 1) ваколатхонани жиҳозлаш ашё ва ускуналари;
- 2) ваколатхона учун транспорт воситалари;
- 3) тайёрагоҳда фойдаланиш учун транспорт воситалари;
- 4) шаҳар билан тайёрагоҳ ўртасида йўловчиларни, экипаж аъзоларини ва қўл юкини ташиш учун автомобиллардан бўлак транспорт воситалари;
- 5) бронлашнинг электрон тизимлари ва алоқа воситалари, шу жумладан уларнинг эҳтиёт қисмлари.

7. Транзит йўсинида олиб ўтилаётган қўл юки ва юкларга, ўзаро келишувга мувофиқ кўрсатилган хизмат учун олинадиган йиғимлардан ташқари, бож пули, солиқлар, инспекциявий йиғимлар ва шунга ўхшаш бошқа солиқлар солинмайди.

11-модда

Ваколатхоналар

1. Шартлашилган йўллардан фойдаланишни таъминлаш учун Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонасига ўзаро келишувга мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида белгиланган йўналишдаги пункт(лар)да ўз ваколатхонасини очиш ҳуқуқи берилади.

2. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналарининг ваколатхоналари ходимлари Аҳдлашувчи Томонларнинг фуқароси бўлишлари лозим; бундай ходимлар сони ҳар иккала Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари ўртасида келишилади. Бу ваколатхоналар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг амалдаги қонунлари ва қоидаларига мувофиқ иш олиб бориши керак.

3. Аҳдлашувчи Томонлардан бири келишилган йўналишлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш учун бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ваколатхонасига ва унинг ходимларига керакли ёрдам беради.

4. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари экипажлари аъзолари бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудигача ва унинг ҳудудидан учишда биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароси бўлмоғи лозим. Башарти Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудигача ва унинг ҳудудидан учишда фуқаролиги бошқа экипаж аъзоларидан фойдаланиш истагида бўлса, бу хусусда бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг розилигини олиши зарур.

12 - модда

Солиқ солиш

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида халқаро йўллардан фойдаланишдан олган даромад ва фойдага солинадиган барча солиқлардан бошқа Аҳдлашувчи Томон озод қилади.

2. Аҳдлашувчи Томонлардан бири тайинланган авиакорхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида турган мол-мулкини бошқа Аҳдлашувчи Томон барча солиқлардан озод қилади.

3. Аҳдлашувчи Томонлардан бири тайинланган авиакорхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги ваколатхонасининг биринчи Аҳдлашувчи Томон фуқароси бўлган ходимлари оладиган маош, иш ҳақи ва шунга ўхшаш бошқа пулларни бошқа Аҳдлашувчи Томон барча солиқлардан озод қилади.

13-модда

Ишлаб толилган маблагларни бир Аҳдлашувчи Томондан иккинчисига ўтказиш

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида олинган даромадларини мазкур авиакорхонани

тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга ўзаро келишув асосида ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Даромадларни бу йўсинда ўтказиш мазкур даромадларни ўтказиш пайтида валютанинг амалдаги курси бўйича эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилиши керак.

3. Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири ўзининг ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси олган даромадларни ўтказишга кўмаклашмоғи ҳамда мазкур авиакорхонага тегишли тартиб-қоидаларни бажаришда ёрдам бермоғи лозим.

14-модда

Авиация хавфсизлиги

1. Аҳдлашувчи Томонлар фуқаро авиациясини ғайриқонуний аралашув ҳодисаларидан ҳимоя қилиш юзасидан бир-бирларига нисбатан зиммаларига олган мажбуриятлари ушбу Битимнинг таркибий қисми эканлигини тасдиқлайдилар. Аҳдлашувчи Томонлар хусусан 1963 йил 14 сентябрда Токиода имзоланган ҳаво кемаларида содир этиладиган жиноятлар ва бошқа баъзи ҳаракатлар тўғрисидаги Конвенция, 1970 йил 16 декабрда Гаагада имзоланган ҳаво кемаларини ғайриқонуний равишда эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция ҳамда 1971 йил 23 сентябрда Монреалда имзоланган фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриқонуний ҳаракатларга қарши кураш ҳақидаги Конвенция қоидаларига мувофиқ ҳаракат қиладилар.

2. Аҳдлашувчи Томонлар ҳаво кемаларини ғайриқонуний эгаллаб олиш ҳамда ҳаво кемалари, улардаги йўловчилар ва экипажлар, тайёрагоҳлар ва аэронавигация воситалари хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг, шунингдек фуқаро авиацияси хавфсизлигига дахл этувчи бошқа ҳар қандай хавфнинг олдини олиш юзасидан илтимосга кўра бир-бирларига барча зарур ёрдамни берадилар.

3. Аҳдлашувчи Томонлар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти белгилайдиган ҳамда Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга доир иловада белгиланган авиация хавфсизлиги қоидаларига ва техникавий талабларга мувофиқ равишда бу қоидалар ва талабларни Аҳдлашувчи Томонларга нисбатан қўлланишнинг мақбул даражасида ҳаракат қиладилар; улар фаолиятининг асосий жойи ёки муқим туриш жойи ўз ҳудудида бўлган ҳаво кемаларидан фойдаланувчилардан ҳамда ўз ҳудудларидаги халқаро тайёрагоҳлардан фойдаланувчилардан авиация хавфсизлигининг худди шундай қоидалари ва талабларига мувофиқ равишда иш олиб боришни талаб қиладилар.

4. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири бошқа Аҳдлашувчи Томон ана шу ҳаво кемаларидан фойдаланувчилардан авиация хавфсизлигига доир қоидалар ва талабларга риоя этишни талаб қилиши мумкинлигига рози бўлади. Бу қоидалар ва талабларни бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемаларининг ўз ҳудудига келиши, ҳудуддан чиқиб кетиши ва ҳудуд доирасида туриши учун кўзда тутати. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири ўз ҳудуди доирасида ҳаво кемаларини ҳимоя қилиш ва йўловчиларни, экипажни, йўл халталарини, қўл юкини, юк ва ҳаво кемасидаги захираларни йўловчилар чиққунга қадар ҳамда йўловчилар чиқаётган ёки юк ортिलाётган пайтда текшириш учун зарур чоралар кўрилишини таъминлайди. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири аниқ хавф пайдо бўлиши муносабати билан махсус хавфсизлик чораларини кўриш тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томон қилган ҳар қандай илтимосига хайрихоҳлик билан қарайди.

5. Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларини ғайриқонуний эгаллаб олиш ёки ҳаво кемаларининг, улардаги йўловчилар ва экипажнинг, тайёрагоҳлар ёки аэронавигация воситаларининг хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ можаро юз берганда ёки шундай можаро хавфи пайдо бўлганда Аҳдлашувчи Томонлар бундай можарони ёки можаро хавфини тез ва бехатар бартараф этиш мақсадида алоқани осонлаштириш ҳамда тегишли чоралар кўриш йўли билан бир-бирларига ёрдам берадилар.

15 - модда

Ҳисоб маълумотлари билан таъминлаш

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг авиация маъмурлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларига уларнинг илтимосига биноан биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси шартлашилган йўлларда бажарадиган ташиш ишлари ҳажмини ўрганиш учун керакли ҳисоб маълумотларини берадилар. Бундай маълумотлар номи зикр этилган авиакорхона шартлашилган йўлларда бажарадиган ташиш ишлари ҳажмини аниқлаш учун талаб этиладиган бор ахборотни ўз ичига олади.

16 - модда

Маслаҳатлашувлар

1. Аҳдлашувчи Томонлар яқин ҳамкорлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш руҳида, ушбу Битим шартлари тўғри бажарилиши ва қаноатланарли тарзда қўлланишига риоя этилишини таъминлашлари керак. Шу мақсадда Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари вақти-вақти билан маслаҳатлашиб турадилар.

2. Истаган Аҳдлашувчи Томон хоҳлаган вақтида бошқа Аҳдлашувчи Томондан ушбу Битим хусусида маслаҳатлашув ўтказишни сўраши мумкин. Бундай маслаҳатлашув мумкин қадар қисқа муддат ичида, башарти келишувнинг бошқач шарти белгиланган бўлмаса, бошқа Аҳдлашувчи Томондан сўров олинган пайтдан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай, бошланиши лозим.

17 - модда

Қўшимча ва ўзгартишлар киритиш

1. Башарти Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу Битим ёки унинг Иловаси бирон бир шартини ўзгартиришни лозим топса, у хоҳлаган вақтида бошқа Аҳдлашувчи Томон билан маслаҳатлашув ўтказишни талаб қилиши мумкин; бундай маслаҳатлашувлар авиация маъмурлари ўртасида музокаралар ёки ёзишмалар йўли билан ўтказилиши мумкин ва маслаҳатлашувлар, башарти Томонлар муддатни чўзиш ҳақида аҳдлашиб олмаган бўлсалар, бошқа Аҳдлашувчи Томондан сўров олинган кундан эътиборан тўқсон кун ичида бошланиши лозим.

2. Ушбу Битим ёки унинг Иловасига ушбу модданинг 1 - бандида айтиб ўтилган маслаҳатлашувлар натижасида келишиб туриб киритилган ҳар қандай ўзгартишлар дипломатия йўллари орқали ноталар айирбошлаш йўли билан тасдиқланганидан кейингина кучга киради.

18 - модда

Низоларни ҳ

1. Ушбу Битимни талқин этиш ёки қўлланишда юзага келадиган ҳар қандай низо энг аввало ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон авиация маъмурлари ўртасида бевосита музокара олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

2. Агар Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари низони ҳал эта олмасалар, масала дипломатия йўллари билан ҳал этилади.

19 - модда

Битим амал қилишининг тўхтатилиши

Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири хоҳлаган вақтида ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш истаги тўғрисида иккинчи Аҳдлашувчи Томонга дипломатия йўллари орқали хабар қилиши мумкин. Бошқа Аҳдлашувчи Томон

бундай билдирув олган пайдан бошлаб ўн икки ой ўтганидан сўнг, башарти иккала томоннинг розилиги билан ана шу айтилган муддат ичида билдирув чақириб олинмаса, ушбу Битимнинг амал қилиши тўхтатилади.

20 - модда

Битимнинг кучга кириши

Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Ҳар бири ўз Ҳукумати томонидан лозим даражада ваколат билан таъмин этилган қуйида имзо чекувчилар юқорида баён этилганларнинг исботи тариқасида ушбу Битимни имзоладилар.

Битим 19 94 йил "19" __ апрел __ да __ Тошкент __
шаҳрида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, хитой ва инглиз тилларида тузилди, ҳар учала матн бир хил кучга эга. Битим шартларини талқин этиш вақтида тафовут чиқиб қолган ҳолларда инглиз тилидаги матн қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати номидан

Хитой Халқ Республикаси
Ҳукумати номидан

Самғулла

Қошиқверие: Мил Ресурси

Ўзбекистон
Доворно-урадовое
уравнени
Л.Р. Бериева

16.11.94

И Л О В А

Йўналишлар Тавсифи

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тайинланган авиакорхонаси учун шартлашилган йўллардаги маршрут, ҳар иккала йўналишда:

Ўзбекистондаги пунктлар - Пекин ва/ёки Урумчи - учинчи мамлакат(лар)даги пункт(лар) (Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари ўртасида келишиб олиниши лозим).

2. Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматининг тайинланган авиакорхонаси учун шартлашилган йўллардаги маршрут, ҳар иккала йўналишда:

Хитойдаги пунктлар - Тошкент ва/ёки Самарқанд - учинчи мамлакат(лар)даги пункт(лар) (Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари ўртасида келишиб олиниши лозим).

3. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари шартлашилган йўллар авиакорхонаи тайинлаган Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидан бошланиб, шу ҳудуднинг ўзида тугаган тақдирда белгиланган йўналишдаги исталган пунктни ёки барча пунктларни қолдириб ўтиши мумкин.